



МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«BESHKENT PAXTA TOZALASH» АЖ ОЛИЙ РАҲБАРИЯТИГА

Изоҳли фикр

Биз «BESHKENT PAXTA TOZALASH» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда жамият деб юритилади) нинг 2022 йил 31 декабрда якунланган йил учун бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи, бухгалтерия балансига ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботига эслатмалари ва шу жумладан қисқача маълумотни, бухгалтерия сиёсатининг асосий қоидаларини аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, “Фикр билдириш учун асослар” бўлимида келтирилган масаланинг таъсирини ҳисобга олмаганда, молиявий ҳисоботлар 2022 йил 31 декабрга бўлган жамиятнинг молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг жамланган молиявий натижаларини ва жамланган пул оқимлари ҳаракатини барча муҳим жиҳатларда БХМС стандартларига мувофиқ ҳаққоний акс эттиради.

Фикр билдириш учун асос

Жамият бухгалтерияси томонидан ишчи ходимларга штатлар жадвалига ва бошқа ҳужжатларга асосан 2022 йил мобайнида жами 1.903.998.254 сўм иш ҳақи ҳисобланиб, амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда солиқ ва мажбурий тўловлар ушлаб қолинган бўлсада, **шу жумладан**, жамиятнинг 2022 йилда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатларни қонуний ҳисобланиши юзасидан ўтказилган аудит текшируви натижасида жами бўлиб, асоссиз равишда (штат жадвалига белгиланган штатлар сони ва иш ҳақи миқдоридан ортиқча) иш ҳақи бўйича 137.574.654 сўм, жамият раҳбарининг буйруғисиз қўшимча иш ҳақи учун 46.375.272 сўм, мавжуд бўлмаган меҳнат шартномаси ҳисобига иш ҳақи 8.550.000 сўм, мавжуд бўлмаган фуқаровий ҳуқуқий тусдаги шартномалар ҳисобига жами 183.407.273 сўм хизмат ҳақи, 2.476.494 сўм ортиқча ҳисобланган моддий ёрдам, йил якуни бўйича мукофот беришда ортиқча ҳисобланган 25.436.262,50 сўм, йиллик ва чораклик ҳисоботларни ўз вақтида топшириш учун қўшимча ишлаган ходимларга 56.575.250 сўм мукофот, Қурбон ҳайити байрамига 19.558.740 сўм мукофот пули, 245.781.000 сўм (аукцион савдо натижалари бўйича иш ҳақи окладиинг 10 баравари миқдоридан) жами бўлиб **726.104.945 сўм ортиқча ҳисобланган**. Бу эса, жамият акциядорлари манфаатига зид бўлиб, иккинчидан, ушбу ортиқча ҳисобланган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатлар ҳисобига жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ (87.132.593 сўм ортиқча ҳисобланган) ижтимоий солиқ тўловлари (87.132.593 сўм ортиқча ҳисобланган) бўйича жами 174.265.186 сўм ортиқча ва фойла солиғи бўйича 108.915.742 сўм кам солиқ ҳисобланишига ҳамда жамиятнинг соф фойдасига ўзгартиришлар киритилишига сабаб бўлади, бу ҳолат жамият бухгалтерияси томонидан Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги қонуни ва “Бухгалтерия Ҳисоби Миллий стандартларига зид равишда, жамиятнинг 2022 йил учун Бухгалтерия балансига (тақсимланмаган фойда) ва Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи (соф фойдани аниқлигига) қонуний тузилишига таъсир қилади.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, жамият томонидан, қайд этилган камчиликларни тuzатган тақдирда ижобий хулоса бериш мумкин.

Биз аудитни Халқаро Аудит Стандартларига (ISA) мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар бўйича бизнинг мажбуриятларимиз ҳисоботимизнинг “Молиявий ҳисоботлар аудити бўйича Аудиторнинг жавобгарликлари” бўлимида батафсил тавсифланган. «BESHKENT PAXTA TOZALASH» акциядорлик жамиятидан бухгалтерлар учун халқаро этика стандартлари кенгашига (ИЭСБА кодекси) ва Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисобот аудити билан боғлиқ ахлоқий талабларга мувофиқ мустақилмиз ва бошқа ИЭСБА кодексига мувофиқ жавобгарлик бўйича ахлоқий меъёрларни бажардик.

Биз олган аудиторлик далиллари бизнинг аудиторлик фикримиз учун етарли ва мос деб ҳисоблаймиз.

Асосий аудит саволлари

Асосий аудит масалалари, бизнинг профессионал фикримизча, жорий давр молиявий ҳисоботи аудити учун энг муҳим бўлган масалалардир. Бу масалалар умуман молиявий ҳисоботларни текширишимиз ва ушбу масалалар бўйича фикрни шакллантириш контекстида киритилмаган.

Бошқа маълумотлар.

Молиявий ҳисоботнинг аудити билан боғлиқ ҳолда, аудиторлар бошқа маълумотларни текшириш жараёнида молиявий ҳисобот ёки биз томонимиздан олинган маълумотларга жиддий номувофикликлар мавжудлигини аниқлаш учун жавобгардир. Агар биз бажарган ишларга асосланиб, биз бошқа маълумотларга жиддий нотўғри маълумотлар мавжуд деган хулосага келсак, биз ушбу фактлар ҳақида хабар беришимиз керак. Биз хабар беришга мажбур бўлган фактлар йўқ.

Корхона раҳбариятининг молиявий ҳисоботга нисбатан жавобгарлиги .

Компаниянинг раҳбарияти ушбу молиявий ҳисоботларнинг Миллий Бухгалтерия Ҳисоби Стандартларига мувофиқ тайёрланиши ва адолатли тақдим этилиши учун жавобгардир. Бу масъулият ички назоратни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва қўллаб қувватлашни ўз ичига олади, чунки, раҳбарият фирибгарлик ёки хато туфайли жиддий нотўғри маълумотлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва адолатли тақдим этишни таъминлаш учун тегишли ҳисоб сиёсатини танлаши ва қўллаши, тахминий баҳоларнинг ҳақиқийлигини аниқлашни зарур деб ҳисоблайди;

Аудиторларнинг жавобгарлиги .

Бизнинг мақсадларимиз, умуман, йиллик молиявий ҳисоботда, фирибгарлик ёки хатолик туфайли жиддий нотўғри маълумотлар йўқлиги тўғрисида оқилона ишонч ҳосил қилиш ва бизнинг фикримизни ўз ичига олган аудиторлик хулосасини чиқаришдир. Оқилона ишонч юқори даражадаги ишончдир, лекин AXS га мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим мавжуд бўлганда жиддий нотўғри маълумотларни аниқлаб беришига кафолат бермайди.

Нотўғри маълумотлар фирибгарлик ёки хатолик натижасида юзага келиши мумкин ва агар улар алоҳидағалоҳида ёки жами фойдаланувчиларнинг ушбу молиявий ҳисоботлар асосида қабул қилинган иқтисодий қарорларига таъсир қилиши оқилона кутилган бўлса, муҳим ҳисобланади.

AXS га мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз профессионал мулоҳаза юритамиз ва аудит давомида профессионал ихтиёрийликни сақлаймиз. Бундан ташқари, биз қуйидагиларни аниқлаймиз:

- Фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий нотўғри кўрсатилиши рискларини аниқлаш ва баҳолаш; ушбу рискларга жавоб бериш учун аудит процессидураларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; фикримиз учун асос бўлиши учун етарли ва мос бўлган аудиторлик далилларини олиш.

Фирибгарлик натижасида жиддий нотўғри маълумотни аниқламаслик хавфидан каттароқдир, чунки, фирибгарлик тил бириктириш, қалбакилаштириш, ҳаракатсизлик, нотўғри маълумот бериш ёки ички назоратни четлаб ўтишни ўз ичига олиши мумкин;

- Компаниянинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудит тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш учун аудитга тегишли ички назорат тизими ҳақида тушунчага эга бўлиш.

- қўлланилаётган бухгалтерия сиёсатининг тўғрилигини ва раҳбарият томонидан амалга оширилган бухгалтерия ҳисоб китобларининг асослилигини ва тегишли ошкораларни баҳолаш; раҳбарият томонидан фаолиятнинг узлуксизлиги ҳақидаги фаразни қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса чиқариш ва олинган аудиторлик далиллари асосида компаниянинг узлуксиз фаолият юритиш қобилиятига жиддий шубҳа туғдириши мумкин бўлган воқеа ёки шароитлар билан боғлиқ жиддий ноаниқлик мавжудлиги ёки йўқлиги ҳақида хулоса чиқариш. Агар биз жиддий ноаниқлик мавжуд деган хулосага келсак, биз аудиторлик ҳисоботида молиявий ҳисоботдаги мавжуд ошкораларга эътибор қаратишимиз ёки, агар бундай ошкор қилиш номақбул бўлса, фикримизни ўзгартиришимиз керак.

Бизнинг хулосаларимиз аудиторлик хулосаси санасигача олинган аудиторлик далилларига асосланади. Бироқ, келажакдаги воқеалар ёки шароитлар Компаниянинг узлуксиз фаолиятини тўхтатишига олиб келиши мумкин :

- биз молиявий ҳисоботларнинг бир бутун сифатида тақдим этилишини, уларнинг тузилиши ва мазмунини, шу жумладан, маълумотларнинг ошкор этилишини, шунингдек, молиявий ҳисоботнинг асосий операциялар ва ҳодисаларни уларнинг адолатли тақдим этилишини таъминлайдиган тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.

Молиявий бўйича фикр билдириш учун корхонанинг молиявий маълумотлари ва компаниянинг ичидаги хўжалик фаолияти бўйича етарли даражада тегишли аудиторлик далилларини олиш. Биз компаниянинг умумий бошқаруви, назорати ва аудити учун жавобгармиз.

Биз бошқарув учун масъул шахс билан алоқа ўрнатамиз, шу жумладан аудитнинг режалаштирилган ҳажми ва муддатлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, аудит натижалари бўйича муҳим кузатувларни, шу жумладан, ички назорат тизимидаги жиддий камчиликларни эътиборга оламиз ва аудит жараёнида аниқлаймиз.

Шунингдек, биз масъул шахсга мустақилликка оид барча тегишли ахлоқий талабларга риоя қилганимиз ва аудиторнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабатлар ва бошқа масалаларни эълон қилганимиз ҳақида баёнот берамиз ва керак бўлганда эҳтиёт чораларини кўрамиз.

Вазифа раҳбари, ўтказилган аудит натижасида тайёрланган аудиторлик хулосаси мустақил аудитор Гайнулина Галия Мингалиевна фикрлари асосида берилди (аудиторнинг малака сертификати 26.05.2012 йилдаги № 05019-сон)

Раҳбар-аудитор



Гайнулина Г.М.
(фамилия, подпись)

26 апрел 2023 год

Аудит ўтказилган юридик шахс тўғрисида маълумот :

Номи : «BESHKENT PAXTA TOZALASH» акциядорлик жамияти
Корхона ва ташкилотларнинг ягона Давлат регистридаги ёзув: Кашкадаре вилояти Карши тумани
Давлат хизматлари марказидан 1995 йил 22 мартда № х-1153-сон билан рўйхатдан ўтказилган
Жойлашган манзили : Ўзбекистон Республикаси, Кашкадарё вилояти Карши туманидаги, Бешкент шаҳри, Бешкент-Нишон йул кучаси, 3 уй.
СТИР: 200 686 082

Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот :

Номи : МЧЖ «GLOBAL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти.
Корхона ва ташкилотларнинг ягона Давлат регистридаги ёзув : Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2007 йил 06 ноябрда № 355-сон билан рўйхатдан ўтказилган
Жойлашган манзили: 100164, Ўзбекистон Республикаси, ш.Ташкент, Навнихол 3 кўчаси, 7 уй
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги аудиторлик ташкилотлари рўйхатига олинган
04.06.2021 йилда.
Бухгалтерлар аудиторлар Миллий Ассоциацияси аъзоси. FINEXPERTIZA халқаро аудиторлар маркази аъзоси. СТИР: 202 268 854.